

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил январь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Олот туман судининг очик сайёр суд мажлиси Олот тумани “Халифа” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида бўлиб,

Раислик қилувчи - туман судининг раиси У.Жўраев,
судья ёрдамчиси М.Сайфуллоевни котиблигида,
томонлардан Олот туман прокурори ёрдамчиси С.Наимов,
судланувчи Ш.Ҳайдаровни иштирокида, судланувчи Ҳайдаров Шерали Мавлоновичга оид 1-2010-2101/126 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра;

Ҳайдаров Шерали Мавлонович (Haydarov Sherali Mavlonovich), 1974 йил 22 февраль кунида Қоракўл туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, оилали, қарамоғида уч нафар фарзандлари бор, судланган;



1) Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2008 йил 16 май кунги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан судланиб, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2013 йил 27 февраль кунги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 3 йил 2 ой 11 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг 2014 йил 20 октябрь кунги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ҳозирги кунда судланганлик ҳолати тугалланмаган, Қоракўл тумани “Тожикиент” маҳалла фуқаролар йиғини “Тадбиркорлар” кўчасида яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди ва 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ш.Ҳайдаров илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этганлиги учун судланиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2017 йилда Қоракўл тумани “Тожикиент” маҳалла фуқаролар йиғини, “Тадбиркорлар” кўчасида жойлашган яшаш уйининг томорқа ер майдони четида 1



(бир) туп Каннабис гиёҳванд ўсимлигини экиб қонунга хилоф равишда етиштирган.

У ўзининг ушбу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Бундан ташқари, Ш.Ҳайдаров илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир қилган шахс бўла туриб, ўзининг жинойи ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил 8 октябрь куни яшаш уйининг ҳаммомида бўлган қишги куртканинг чўнтагида оқ қоғозга ўралган ҳолда, “Кент” ёзувли сигарет қутиси ичида Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 09.10.2021 йилдаги 327-сонли кимёвий экспертиза хулосасига кўра, тақиқланган гиёҳвандлик воситалари туркумига кирувчи, соф вазни 2,03 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги «марихуана» гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги Қоракўл туман ИИБ ЖКБ ҳамда Бухоро вилоят божхона бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб, холислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштирилган.

У ўзининг ушбу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а,б» бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Судланувчи Ш.Ҳайдаров судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, муқаддам гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний муомалага киритганлиги учун судланганини, 2017 йилда ўзини яшаш уйини молхона томондаги ер майдонида каннабис ўсимлигини ўзини истеъмол қилиши учун бир туп экканини, ушбу каннабис ўсимлигини етиштириб олганини, каннабис поясини ёқиб ташлаб унинг баргларини қуритиб олганини, каннабис ўсимлиги барглари қуритиб бўлгандан сўнг қоғозга ўраб қўйганини, ушбу марихуана воситаси уни эски куртканини чўнтагида қолиб кетганини, 2021 йил 8 октябрь куни онасини Бухоро вилоят касалхонасига олиб кетганини, шу куни унга турмуш ўртоғи телефон қилиб уйига ИИБ ходимлари келганини айтганини, кейин телефонни ўзини туман ИИБ ходими деб таништирган бир йигит олиб уйига келишини айтганини, уйига келганида туман ИИБ ходимлари тадбир ўтказишаётганини, шу сабабли унинг уйида бирор бир ноқонуний нарса бўлса чиқариб беришни сўрашганини, шундан сўнг туман ИИБ ходимларига уйига ноқонуний нарса сақламаётганлигини уйини кўздан кечиришлари мумкинлигини айтганини, ИИБ ходимлари



бирма-бир уйини кўздан кечиришганини, шу вақтда яшаш уйини ҳаммомида турган куртканини ички чўнтагида қоғозга ўралган ҳолдаги яшил рангли барглари бўлган ўткир ҳидли моддани топишганини, ушбу моддани текшириб кўриш мақсадида ҳужжатлаштириб олишганини, ушбу гиёҳвандлик моддасини экиб ўстириб, етилганидан сўнг қуриштириб сақлаб келганини оила аъзолари билмаслигини, ушбу гиёҳвандлик моддасини ўзини истеъмоли учун сақлаб келганини, ушбу гиёҳвандлик моддасини бирор бир шахсга сотиш нияти бўлмаганини, ушбу гиёҳвандлик воситасини бирор бир шахсга сотмаганини, қилмишидан пушаймонлигини, келгусида бундай ҳолатни такрорламаслигини, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ш.Ҳайдаровнинг айбдорлиги айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби қуйидаги далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Дастлабки терговда сўроқ қилинган, суд муҳокамасида кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Ғайбуллаев, туман ИИОда 2021 йил июль ойидан эгаллаб турган лавозимида 2021 йил апрель ойидан буён хизмат қилиб келмоқдалигини, 2021 йил 7 октябрь кунидаги Бухоро вилоят божхона бошқармаси тезкор вакилини турар жойларни ва бошқа жойларни текшириш тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарори ва туман прокурорининг санкциясига асосан Қоракўл туман Тожиқент МФЙда яшовчи Ш.Ҳайдаровни яшаш хонадонига 2021 йил

8 октябрь куни божхона ходимлари билан бирга боришгани, қабул қилинган қарор билан хонадон эгасини таништириб олинган тезкор маълумотни текшириш мақсадида унинг яшаш хонадони ва ёрдамчи хўжалик хоналарини кўздан кечиришни билдиришиб икки нафар холис жалб қилган ҳолда кўздан кечиришни бошлашгани, Ш.Ҳайдаровни яшаш хонадони ва ёрдамчи хўжалик хоналарини кўздан кечириш жараёнида унинг яшаш хонадонига кираверишда ўнг томонда жойлашган ҳаммомга кириш жойида кийимлар борлигини кўриб ушбу кийимлар бирма бир кўрилганда қора рангли эски куртканинг чап томон чўнтагидан “кент” ёзувли сигарет қутиси чиққани, уни ичини очиб кўришганида оқ қоғозга ўралган ўткир ҳидли, яшил рангли қуриштирилган ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, ушбу моддани текшириб кўриш мақсадида холислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олишгани, кўздан кечириш давомида Ш.Ҳайдаровни яшаш



уйидан бир дона елим идиш баклашка борлиги, унинг атрофлари куйган ҳолда ўйиқлари борлигига шубҳа пайдо бўлганлиги учун ушбу елим идиш ҳам тегишли тартибда олингани, хонадондан олинган оқ рангли қоғозга солинган, ўткир ҳидли яшил рангли қуритилган ҳолдаги моддани электрон тарозида ўлчанганида ўрами билан бирга 3.53 граммни ташкил қилгани, хонадон эгаси Ш.Ҳайдаров билан суриштирув ҳаракатларини олиб бориш учун уни туман ИИБга олиб бориб тушунтириш хати олганида у ушбу моддани бир неча йил олдин ўзининг уйига каннабис ўсимлигини экиб етиштириб олиб чекиш учун баргини сақлаб қолганлигини, унинг яшаш уйига бориб холислар иштирокида яшаш ҳовлисини кўздан кечирганларида 2017 йилда ўзининг томорқа ери четки қисмида бир туп каннабис ўсимлигини эккан жойини кўрсатиб бергани ҳақидаги кўрсатуви билан;

Дастлабки терговда сўроқ қилинган, суд муҳокамасида кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ Р.Раҳмонов, 2021 йил 8 октябрь куни ўзини яшаш уйида бўлган вақтида бир нечта фуқаролик кийимида бўлган шахслар ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари деб таништириб бир ҳолат юзасидан холис сифатида иштирок этишини сўрашгани, рози бўлиб ушбу ходимлар олдиндан олинган тезкор маълумотларга асосан ва туман прокурорининг санкцияси асосида Қорақўл туман Тожиқент МФЙ Тадбиркорлар кўчаси 21 уйда яшовчи Ш.Ҳайдаровни яшаш хонадони ва ёрдамчи хўжалик хоналари кўздан кечирилганида яшаш хонадонига кираверишда ўнг томонда жойлашган ҳаммомга кириш жойида стулга қўйилган қора рангли куртканинг чап томон чўнтагидан “кент” ёзувли сигарет қутиси ичида оқ қоғозга ўралган ўткир ҳидли, яшил рангли қуритилган ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб тадбир иштирокчилари, хонадон эгаси, ўзи ва яна бир холис иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани, тадбир давомида хонадон эгалари ва холисларга нисбатан ҳеч қандай руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилмагани, ушбу хонадондан олинган оқ рангли қоғозга солинган, ўткир ҳидли яшил рангли қуритилган ҳолдаги модда электрон тарозида ўлчанганида ўрами билан бирга 3.53 граммни ташкил қилгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд, давлат айбловчисининг фикрини, судланувчи Ш.Ҳайдаров ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят ишида бўлган ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва



фотосуратлар, суд кимёвий экспертиза тайинлаш қарори ва суд кимёвий экспертизаси хулосаси, ашёвий далил қарори ва ашёвий далилларни топшириш хати, сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, Ш.Ҳайдаров илгари гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс ҳисобланиб, тақиқланган экинларни, яъни каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган экинларни қонунга хилоф равишда етиштиришда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан, илгари гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс ҳисобланиб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлашдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 12-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 3-бандида «Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак» эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ш.Ҳайдаровга жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, уч нафар фарзандлари борлигини, оиласини ёлғиз боқувчиси эканлиги жавобгарликни енгиллаштирувчи, илгари гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда муомалага киритганлиги учун судланиб, қасддан янги жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, енгиллаштирувчи ҳолатларни айни вақтда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи



ҳолатлар деб инобатга олиб, унга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик Хизмати Бухоро вилоят бошқармасига топширилган тадқиқотда сарфланган 0,1 граммдан ташқари, 2,02 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддасини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Ҳайдаров Шерали Мавлонович (Haydarov Sherali Mavlonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди, 276-моддаси 2-қисми «а,б» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ҳайдаров Шерали Мавлоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан яшаш хонадони ҳисобланган Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғини, Тадбиркорлар кўчаси 111-уйидан сутканинг кечки соат 22.⁰⁰ дан эрталабки 06.⁰⁰га қадар тарк этишни тақиқлашдан иборат бўлган 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ҳайдаров Шерали Мавлоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а,б» бандлари билан яшаш хонадони ҳисобланган Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғини, Тадбиркорлар кўчаси 111-уйидан сутканинг кечки соат 22.⁰⁰ дан эрталабки 06.⁰⁰га қадар тарк этишни тақиқлашдан иборат бўлган 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ҳайдаров Шерали Мавлоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил кесил ўташ учун яшаш хонадони ҳисобланган Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғини, Тадбиркорлар кўчаси 111-уйидан сутканинг кечки соат 22.⁰⁰ дан эрталабки 06.⁰⁰га қадар тарк этишни тақиқлашдан иборат бўлган 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



Ҳайдаров Шерали Мавлонович зиммасига қуйидаги тақиқ /чеклаш/лар юклатилсин:

- ҳар ойда бир маротаба Қорақўл туман ИИБдан рўйхатдан ўтиб туриш;
- ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик;
- тегишли маъмурий ҳудуддан, яъни Бухоро вилоятидан ташқарига чиқмаслик;
- алкогольли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилмаслик;

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро қилиш Қорақўл туман ИИБ пробацяя гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ш.Ҳайдаровга жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, ИИБ тақдимномасига асосан суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ш.Ҳайдаровга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ҳамда гаровга қўйилган 5.500.000 сўмлик пул маблағлари гаровга қўювчи Ш.Ҳайдаровга қайтарилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик Хизмати Бухоро вилоят бошқармасига топширилган 2,02 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибда шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья
У.Жўраев



Ҳужжат имзоланган: Жўраев Улуғбек Тўраевич, 03.01.2022



ХУСУСИЙ АЖРИМ

2022 йил январь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Олот туман судининг очик сайёр суд мажлиси Олот тумани “Халифа” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида бўлиб,

Раислик қилувчи - туман судининг раиси У.Жўраев,
судья ёрдамчиси М.Сайфуллоевни котиблигида,
томонлардан Олот туман прокурори ёрдамчиси С.Наимов,
судланувчи Ш.Ҳайдаровни иштирокида, судланувчи Ҳайдаров
Шерали Мавлоновичга оид 1-2010-
2101/126 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш
ҳужжатларига кўра;

Ҳайдаров Шерали Мавлонович
(Haydarov Sherali Mavlonovich), 1974
йил 22 февраль кунида Қоракўл
туманида туғилган, миллати ўзбек,
Ўзбекистон фуқароси, маълумоти
ўрта, яқка тартибдаги меҳнат
фаолияти билан шуғулланади,
оилали, қарамоғида уч нафар
фарзандлари бор, судланган;



1) Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2008 йил 16 май кунги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан судланиб, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2013 йил 27 февраль кунги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 3 йил 2 ой 11 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг 2014 йил 20 октябрь кунги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ҳозирги кунда судланганлик ҳолати тугалланмаган, Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғини “Тадбиркорлар” кўчасида яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди ва 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ш.Ҳайдаров илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этганлиги учун судланиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2017 йилда Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғини, “Тадбиркорлар” кўчасида жойлашган яшаш уйининг томорқа ер майдони четида 1



(бир) туп Каннабис гиёҳванд ўсимлигини экиб қонунга хилоф равишда етиштирган.

У ўзининг ушбу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Бундан ташқари, Ш.Ҳайдаров илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир қилган шахс бўла туриб, ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил 8 октябрь куни яшаш уйининг ҳаммомида бўлган қишги куртканинг чўнтагида оқ қоғозга ўралган ҳолда, “Кент” ёзувли сигарет қутиси ичида Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 09.10.2021 йилдаги 327-сонли кимёвий экспертиза хулосасига кўра, тақиқланган гиёҳвандлик воситалари туркумига кирувчи, соф вазни 2,03 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги «марихуана» гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги Қоракўл туман ИИБ ЖКБ ҳамда Бухоро вилоят божхона бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб, холислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштирилган.

У ўзининг ушбу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а,б» бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Судда аниқланишича, Ш.Ҳайдаров Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб келгани, у яшаб келган “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан жиноятчиликни олдини олиш борасида олиб борилаётган ҳуқуқ-тарғибот ишлари етарли даражада эмаслиги, хулқ-атвори салбий ёки ҳуқуқбузарликка мойил шахслар назоратдан четда қолгани ва улар билан алоҳида тарбиявий ишлар олиб борилмагани, жазони ўтаб чиққан муқаддам судланган шахслар билан жиноят содир этмасликлари юзасидан профилактик ишларни етарли даражада олиб борилмаганлиги мазкур жиноятни содир этилишига сабаб бўлган.

Суд келгусида ушбу маҳаллада яшовчи фуқаролар томонидан шу каби жиноятлар содир этилишини олдини олиш чораларини кўриш ва муқаддам судланган ва ҳуқуқбузарликка мойил шахслар хулқи устидан назоратни кучайтириш учун Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғини раиси эътиборига етказишни лозим топади.



Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг
298,476-моддаларига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди, 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 4 йил озодликни чеклаш жазосига судланган Ш.Ҳайдаровга оид жиноят иши бўйича жиноятни келиб чиқиш сабабларини олдини олиш ва бу борада тарғибот ташқивот ишларини кучайтириш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда тегишли чоратадбирлар белгилаш учун мазкур хусусий ажрим Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғинига юборилсин.

Хусусий ажримни муҳокамасига маҳалла фуқаролари, ёшлар иттифоқи, хотин қизлар кўмитаси, ҳудуд профилактика инспектори жалб қилинсин.

Хусусий ажримни муҳокама қилиш жойини белгилаш ва ташкиллаштириш Қоракўл тумани “Тожиқент” маҳалла фуқаролар йиғини раиси зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи судья
У.Жўраев



Маъсул судья: Жўраев Улуғбек Тўраевич



Ҳужжат имзоланган: Жўраев Улуғбек Тўраевич, 03.01.2022

